

## Товарлар ва хизматлар бозори

2017 йил январь-июнь ойларида чакана товар айланмаси 3078,4 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 111,5 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қўйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан фоиз хисобида	Якунга нисбатан фоиз хисобида
<b>Жами</b>	<b>3078,4</b>	<b>111,5</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	-	-	-
нодавлат мулки	3078,4	111,5	100,0
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	-	-	-

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-июнь ойларида 804,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,5 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-июн ойларида 2273,9 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,6 фоизга ошган.

2017 йил январь-июнь ойларида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2016 йил январь-июнга нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	---	--

**Чакана товар айланмаси** **3078,4** **111,5** **100,0**

шу жумладан:

савдо корхоналари	804,5	103,5	26,1
Якка тартибдаги тадбиркорлик	2273,9	114,6	73,9
уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдофаолияти)	-	-	-

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 34,9 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан 109,8 фоизга ўсили.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 9,5 фоизга ошди ва 1453,5 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-июнь ойиларида 1156,3 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-июнь ойларида **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 2268,6 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 559,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 24,7 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-июнь ойларига нисбатан ўсиш 111,9 фоизни ташкил этди.